

O'ZBEKISTONNING EKOTURIZM SALOHİYATI VA UNING SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA XORIJ TAJRIBASINI TATBIQ ETISH

RASULOVA NIGORA,

Mustaqil tadqiqotchi, Toshkent

davlat iqtisodiyot universiteti.

nrasulova8779@gmail.com

<https://doi.org/10.47689/STARS.university-pp231-234>

Annotatsiya: Mazkur maqolada O'zbekistonning ekoturizm salohiyati va uning samaradorligini oshirishda xorij tajribasini tatbiq etish masalalari ilmiy tadqiq etilgan. Shu jumladan, ekologik turizm, ekomarkazlar, innovatsiyalar, «Yashil iqtisodiyot» innovatsion tur mahsulotlarni tatbiq etish hamda ekoturizm barqarorligini ta'minlash maqsadida elektron ekoturizm innovatsion platformalarni optimallashtirish masalalari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: ekologik turizm, ekomarkazlar, zamonaviy tashrif markazi (visitor center), innovatsiyalar, "Yashil iqtisodiyot", elektron ekoturizm, innovatsion platformalar.

КИРИШ

Ўзбекистон океан ва денгизлардан узоқда жойлашгани ва табиий сув ҳавзалари ҳажми кичиклиги сабабли экотуризмни ривожлантириш учун мақбул жойлар қўриқхоналар ва уларга яқин жойлашган ҳудудлар ҳисобланади.

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризмнинг ҳозирги ҳолати таҳлили, минтақаларда экологик туризмни ривожлантириш шарт-шароитлари ва ресурс салоҳиятини баҳолашга услубий ёндашувлар, минтақада экологик туризмни ривожлантиришда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг ролини ошириш масалалари кўриб чиқилган.

Экотуризмнинг табиатга етказиши мумкин бўлган зарарининг олдини олишда, аввало, давлат назорати ҳамда жамиятдаги экологик билимлар аҳамияти беқиёс. Давлат назорати эса зарур норматив-ҳуқуқий базани тақомиллаштиришга асосланади. Тақомиллаштиришда халқаро стандартлар ҳамда хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланилиши зарур. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг табиат муҳофазасига оид бир неча халқаро конвенция ва шартномани имзолагани аҳамиятлидир. Бироқ мамлакатимиз

ҳозирга қадар экологик туризмга оид халқаро шартномаларга қўшилгани йўқ. Бевосита туризм ва у сабаб келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олишда давлат, нодавлат ташкилотлари ва сайёҳларнинг ўрнини белгиловчи БМТ Бутунжаҳон туризм ташкилотининг **“Туризм этикаси тўғрисида”**ги ҳадли конвенцияси ҳамда **“Экотуризм тўғрисида”**ги Квебек декларациясини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур халқаро шартномаларда табиат ва экотуризм тараққиётини туризмнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, табиий ва маданий меросни инновацион дастурларнинг ёмон оқибатларидан муҳофаза қилиш билан боғлиқ ахлоқ-одоб принциплари ҳамда экотуризм тараққиётини белгилашда давлат ва нодавлат секторининг роли, шунингдек, соҳа ривожига оид бошқа муҳим масалалар акс этган. Шу сабабли Ўзбекистонда экологик ва агротуризм ривожига эш бўладиган зарур ҳуқуқий ва ташкилий вазифаларни белгилаб олишда экотуризм бўйича Квебек декларацияси меъёрларини қўллаш тавсия этилади.

Шу ўринда мазкур масала юзасидан бир нечта хориж тажрибасига тўхталиб ўтиш жоиз. Сингапурда экотуризмни ривожлантиришда давлатнинг ўрни жуда катта. Давлат табиий меросни ҳимоялашдан ташқари, экотуризмни ривожлантириш мақсадида турли хил фондлар ташкил этади, қонун ҳужжатларини қабул қилади. Шунингдек, хусусий сектор муассасалари билан экотуризмни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилмоқда. Гонконг ва Шанхай банки каби хусусий муассасалар эса мамлакатда “Табиатга ғамхўрлик қилиш” дастурига ҳомийлик қилмоқда. Бироқ Сингапурнинг айрим ҳудудларида экология билан боғлиқ муаммолар келиб чиқаётгани кузатилган.

Ўзбекистонда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида қўшма дастурлар ишлаб чиқиш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатда туризм, аynиқса, экотуризм соҳасидаги салоҳият замонавий талабларга жавоб бермайди. Соҳа тараққиёти учун зарур шароитлар яратишда инвестициялар жалб этибгина қолмай, улардан оқилона, табиатга зиён етказмасдан фойдаланишда давлат назоратини кучайтириш муҳим омил ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ишлаб чиққан **“Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғининг айрим табиий ҳудудлари ва объектларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”**ги Қарори лойиҳасини экотуризмни ривожлантиришга қаратилган ижобий мисол сифатида келтириш мумкин. Мазкур ҳужжатга кўра, Урунғоч кўли ва унга туташ ҳудудда гидрологик табиий ёдгорлик ташкил этилади. Кўл ҳудудида экотуризмни ривожлантириш режалаштирилган. Асосий вазифалар қаторига табиий кўл ва унга туташ ҳудудни сақлаш ва муҳофаза қилиш, тоғ экотизимининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тиклаш, экологик туризмни ташкил этиш, илмий ва экологик таълимни ривожлантириш киради. Ёдгорлик ҳудудида кўлга салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай фаолият тури тақиқланади. Бундан ташқари, у ерда экологик назорат постини ўрнатиш режалаштирилган. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан бирга сайёҳлик йўналишлари белгилаб олинади. Бундан ташқари, ҳудудда сайёҳлар учун махсус йўлакчалар, ўриндиқлар, ахлат қутилари, ахборот ва тақиқлаш белгилари ҳамда биоҳожатхоналарни ташкил қилиш каби чора-тадбирлар ҳам назарда тутилган.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Ўзбекистоннинг экотуризм салоҳияти ва унинг самарадорлигини оширишда хориж тажрибасини татбиқ этиш масалаларининг назарий, услубий ва ташкилий жиҳатлари хорижлик бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан атрофлича ўрганилган.

Жумладан, С.Усманова ўзининг “Экотуризмни ривожлантиришдаги асосий зиддият: табиатми, тижоратми?” номли мақоласида экологик туризм деганда мамлакатнинг диққатга сазовор жойларни ўрганиш ва улардан завқланиш учун табиатнинг инсон қадами «тегмаган» (нисбатан кам теккан) жойларга сайёҳат қилишни англатишини ва бундан ташқари, сайёҳлар учун ушбу ҳудудларнинг маданий ва этнографик хусусиятлари ҳам қизиқлигини таъкидлаб ўтган. Олима, шунингдек, экотуризм маҳаллий аҳолининг фаол ижтимоий-иқтисодий иштирокини ва мазкур фаолият туридан даромад олишини ҳам таъминлашини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Ш.У. Ибрагимов “Экологик туризм “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим йўналиши сифатида” мақоласида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда экологик туризмнинг аҳамияти, “яшил” иқтисодиётни шакллантиришда ҳудудларнинг экотуристлик имкониятларидан самарали фойдаланиш масалалари таҳлил этилган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, маҳаллий ва хорижий олимларнинг Ўзбекистоннинг экотуризм салоҳияти ва унинг самарадорлигини оширишда хориж тажрибасини татбиқ этиш соҳасидаги иқтисодий муносабатлар ва уларнинг туризм хизматлар соҳасига таъсири, муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган тадқиқотлари, соҳани тартибга солувчи қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш асосида кўплаб омилларнинг экологик туризмни ривожлантиришга таъсири, муаммолар ва уларнинг ечимларига қаратилган ҳулоса ва таклифлар шакллантирилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Экотуризмнинг соф иқтисодий самарасини аниқлаш – мушкул масала. Турли мамлакатлар тажрибасидан маълумки, экотуризмдан тушган даромаднинг 95 фоизи маҳаллий ҳудудлар (вилоят ва туманлар) иқтисоди улушига тўғри келади. Бундан ташқари, экотуристларнинг кунлик харажатлари бошқа турдаги сайёҳларникидан 2-3 баробар кўп. Мисол учун, дунёнинг етакчи экотуризм ҳудудларидан бири бўлмиш Коста-Рикада бир сайёҳ экотуризм манзилида ўртача **\$1000** сарфласа, бу кўрсаткич Франция учун **\$400** га тенг. Бошқа мисол: Доминикада сайёҳлар табиатга зиёнсиз кичик қўноқлар учун сайёҳлик кемаларидан кўра 18 марта кўп пул тўлайди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан экологик туризмни ривожлантиришда инновацион рақамли платформаларни татбиқ этишнинг дол-

зарб масалалари билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга қаратилган ечимлари таклиф этилди:

Республикада фаолият юритувчи туроператорлар, давлат ҳокимияти идоралари ходимлари ва аҳолининг экологик билимларини ошириш масаланинг яна бир муҳим жиҳатидир. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Экология ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни тавсия этиш мумкин.

Шунингдек, экотурларни Экология ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш лозим. БМТ нинг барча барқарор ривожланиш мақсадларига (хусусан, экологик ва иқтисодий барқарорлик соҳасидаги) эришиш учун Ўзбекистон Республикасида туризмнинг муқобил тури сифатида экотуризмни ривожлантириш муҳим, албатта. Уни ривожлантиришда экология ва туризмнинг манфаатлари қарама-қаршилиги эмас, аксинча, ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Sh.U. Ibragimov. Ekologik turizm “yashil” iqtisodiyotni rivojlantirishning muhim yo‘nalishi sifatida. Builders of The Future SJIF-2022-5.752.

2. С. Усманова. Экотуризмни ривожлантиришдаги асосий зиддият: табиатми, тижоратми? <https://www.uzanalytics.com/iqtisodiet/5438/>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

“Jayron” ekomarkazi – ekologik turizm markazi sifatida. <http://www.uznature.uz/uz/site/news?id=817>.